

## ҒАЗНАЧИЛИК ҒАОЛИЯТИ НАЗОРАТИНИ ИСЛОҒ КИЛИШ

*Исматиллаева Мехриноз*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

**Аннотация:** Ғазначилик назорати давлат молиявий назоратининг бир қисми ҳисобланиб мамлакат молиявий барқарорлигини таъминлашда ҳамда давлат молия сиёсатида муҳим аҳамият касб этади. Бюджет назоратининг мақсади давлатнинг ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маблағларнинг тўлиқ тўпланиши ва бюджет маблағларидан мақсадга мувофиқ самарали харажат қилинишини назорат қилиш мақсадида маслаҳат ва кўрсатмалар бериш.

**Калит сузлар:** Ғазначилик назорати, Ғазначиликнинг асосий вазифалари, Молиявий назорат объекти ва субъекти, Молиявий назорат предмети, Бюджет назоратининг мақсади, Молия вазирлиги ҳамда унинг бўлинмалари назорати фаолиятининг устувор вазифалари, Молиявий назорат усуллари.

**Ғазначилик назорати** давлат молиявий назорати ҳисобланади. Чунки уни давлат органлари амалга оширади. Ғазначилик давлат молия органи сифатида бюджет жараёни иштирокчиларининг ҳаракатини назорат остига олади. Ўзбекистон Республикасида мавжуд тизимни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 25-январдаги ПФ-14-сонли “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чоратadbирлар тўғрисида”ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси этиб ташкил этилди.

**Ғазначилик назорати** давлат молиявий назоратининг бир қисми ҳисобланиб мамлакат молиявий барқарорлигини таъминлашда ҳамда давлат молия сиёсатида муҳим аҳамият касб этади.

**Ғазначиликнинг асосий вазифалари** давлат молиявий назорати нуқтаи назаридан:

- Давлат бюджети Ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағларни бошқариш;
- бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг товарларни етказиб берувчилар (ишларни бажарувчилар, хизматлар кўрсатувчилар) билан Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари маблағлари ҳисобига тузилган шартномаларини харажатлар сметаларида кўрсатилган суммалар доирасида ҳамда белгиланган мақсадларга мувофиқ тузилганлиги устидан назорат қилиш асосида мажбурий рўйхатдан ўтказиш;

– бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаларида ва рўйхатдан ўтказилган шартномаларда назарда тутилган суммалар доирасида бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар номидан ҳамда уларнинг топшириғи бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчиларнинг ҳисобварақларига тўловларни бевосита амалга ошириш орқали тўлов интизомига риоя этилишини таъминлаш йўли билан амалга ошириш<sup>2</sup> ;

– бюджет ташкилотларини, шу жумладан, муҳофаа ва хавфсизлик тузилмаларини молиялаштиришга йўналтириладиган бюджет маблағларидан фойдаланишни мақбуллаштириш юзасидан мониторинг олиб бориш; давлат харидларини амалга оширишда нархни шакллантириш жараёнини назорат қилиш.

### **Молиявий назоратнинг вазифаси**

-давлатнинг молия сиёсатини мувоффақиятли амалга оширишга таъсир кўрсатиш;

-иқтисодиётнинг турли жабҳаларида молия ресурсларини шакллантириш ва самарадорли фойдаланишни таъминлаш;

-корхона, бирлашма, ташкилот ва муассасаларининг тижорат ва нотижорат фаолиятларининг охирги натижаларини аниқлаш, уларга салбий ва ижобий таъсир кўрсатган омилларни ўрганиш;

-ички захираларни топиш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

-уларнинг молиявий ҳолатига объектив омилларга асосланган ҳолда баҳо бериш.

### **Молиявий назорат объекти ва субъекти**

1. Микро ва макро даражада молиявий ресурсларининг шаклланиши, маълум бир мақсадларга биноан ҳаракати ва фойдаланишдаги тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнлари киради.

2. Молиявий назорат фаолиятини олиб боровчи органлар (шахслар) ҳисобланади.

### **Молиявий назорат предмети**

- Даромад ва харажат
- Солиқлар (микдори, ставкалари)
- Таннарх ва фойда
- Уй хўжалиги даромади ва харажати
- ва бошқалар

### **Назорат органлари**

- Олий Мажлис
- Президент девони

- Молия вазирлиги
- Давлат Солиқ Қўмитаси
- Давлат Божхона қўмитаси
- Марказий банк

### **Бюджет назоратининг мақсади**

давлатнинг ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маблағларнинг тўлиқ тўпланиши ва бюджет маблағларидан мақсадга мувофиқ самарали харажат қилинишини назорат қилиш мақсадида маслаҳат ва кўрсатмалар бериш.

Давлат молиявий назорати бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг давлат молиявий назорати объектлари томонидан бузилиши ҳолларини аниқлаш, бартараф этиш ва унга йўл қўймаслик, шунингдек бюджет соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида давлат молиявий назорат органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат молиявий назоратининг бош мақсади давлат хазинасига ресурсларни тушуришни максималлаштириш ва давлат бошқарув харажатларини минималлаштиришдан иборат. Давлат молиявий назорат органлари давлат молиявий назоратини давлат молиявий назорат органлари ёки ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган назорат қилиш йиллик режаларига мувофиқ амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ваколатли органлар еса бюджет тизимидаги бюджет маблағларидан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиш устидан давлат молиявий назоратини, пенсиялар ҳамда бошқа тегишли тўловларни тайинлаш ва ўз вақтида тўлаш бўйича ўрнатилган қоидаларнинг қўлланилишини назоратини қилиш; суғурта муносабатларини назоратини, аудиторлик фаолиятини тартибга солиш ва бошқа назорат фаолиятларини амалга оширади.

### **Молия вазирлиги ҳамда унинг бўлинмалари назорати фаолиятининг устувор вазифалари**

Иқтисодиёт базавий тармоқларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш, қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали усул ва механизмларини жорий этиш, товарлар ва хизматларнинг айрим турларига нарх ва тарифлар белгилаш тартибини такомиллаштириш ҳамда тўлов интизомини мустаҳкамлаш бюджет тизимидаги бюджет маблағларидан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиш устидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш, қатъий иқтисод қилиш, ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини камайтириш, нобудгарчилик ва талон-торожликни, мақсадга номувофиқ чиқимларни тугатиш юзасидан вазирликлар, идоралар, хўжалик субъектлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда кенг қамровли профилактика ишларини олиб бориш, давлат молия сиёсати

соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ташкил етиш, Молия вазирлиги, унинг марказий аппарати ҳамда таркибий бўлинмаларининг иш шакллари ва усуллари тубдан такомиллаштириш, молия органлари фаолиятида бюрократизм ва сансалорлик ҳолларига йўл қўймаслик, инсон ҳуқуқлари, еркинликлари ва манфаатларига риоя етилишини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига ўз вақтида еътибор қаратиш, зиммага юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун молия органлари ходимларининг масъулиятини ошириш.

### **Молиявий назорат усуллари**

Камерал текшириш - тақдим қилинган ҳисоботлар ва ҳужжатлар асосида асосида молиявий назорат (текширадиган орган) субъекти жойлашган жойда текшириладиган объектга чиқмасдан амалга ошириладиган ҳужжатли текшириш тури ҳисобланади.

Жойида ўтказиладиган текшириш - екшириладиган объект жойлашган жойнинг ўзида амалга оширилади ва молиявий-иқтисодий назоратни амалга оширишда ҳужжатли ҳамда ҳақиқий назорат методларидан фойдаланган ҳолда фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

**Молия бўлимлари ўз ваколатлари доирасида давлат молиявий назоратини амалга оширади:**

қуйи турувчи молия органлари томонидан бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросининг таъминланиши устидан;

ижтимоий нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинланиши ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан смета-штат интизомига риоя етилишининг таъминланиши устидан;

бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг, шунингдек қуйи турувчи ҳудудий молия органлари томонидан бюджет ҳисоботини тузишнинг тўғрилиги устидан давлат молиявий назоратини амалга оширади.

Ягона ғазна ҳисобварағи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бошқариладиган махсус банк ҳисобварағи бўлиб, унга бюджет тизими бюджетларининг даромадлари ва бошқа тушумлари киритилади ҳамда ундан мазкур бюджетларнинг харажатлари тўланади.

аниқланган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўриши керак.

**Фойдаланилган адабийотлар:**

1. Дорофеев В.Г. Казначейская система исполнения бюджета в Республике Беларусь. Учебное пособие.-УП.: [Издательство Высшейшая школа](#), 2017.
2. Опарина С.И., Кришталева Т.И., Гурко А.И. Бюджетный учет и отчетность. Учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры. -М.: Издательство Юрайт, 2016. С.347
3. Коренкова С.И. Бюджетный учет и отчетность. Учебное пособие для вузов. –М.: Издательство Юрайт, 2019. С.195
4. Жуклинец И.И. Бухгалтерский учет в бюджетных учреждениях:учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры. -М.: [Издательство Юрайт](#), 2016. С.504